

# Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси рансининг коррупцияга қарши курашиш бўйича статистика органлари ходимлари ва тадбиркорлик субъектларига

## МУРОЖААТИ

Ассалому алайкум, ҳурматли статистик ҳисобот топширувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари!

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида коррупция иллатига нисбатан тоқатсиз муҳитни яратиш ҳамда статистика органлари ходимларининг коррупциявий ҳолатларга нисбатан муросасиз кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Ушбу йўналишларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида дастлаб, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида, Миллий статистика қўмитаси томонидан “Соҳанинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ қоидалари, “Коррупция бўйича хабар берган ходимларни рағбатлантириш тартиби” ҳамда “Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган лавозимда ишловчи ходимларни умумий ва махсус ўқитишдан ўтказиш” каби жами 12 та ички идоравий регламент, низом, услубият ва қоидалар янгидан қабул қилинди.

Тизимда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида Қўмитанинг Ишонч рақами – 1151, “Call” маркази - (+99871 203-80-00), Коррупцияга қарши ички назорат бўлимининг хизмат рақами - +99871 203-80-00 (1450), шунингдек Миллий статистика қўмитаси томонидан ташкил этилган бошқа бир қатор алоқа каналлари (Қўмитанинг расмий веб-саҳифаси - [www.stat.uz](http://www.stat.uz), электрон почтаси - [info@stat.uz](mailto:info@stat.uz), ижтимоий тармоқларда саҳифалари: фэсебоокда - [facebook.com/uzstataxborot](https://facebook.com/uzstataxborot), телеграм ижтимоий тармоғида - [@uzstataxborot](https://t.me/uzstataxborot), Инстаграм саҳифа - [www.instagram.com/uzstataxborot](https://www.instagram.com/uzstataxborot), Коррупция ҳолатлари бўйича хабар бериш учун махсус бот - [@antikorrupsiyastatbot](https://t.me/antikorrupsiyastatbot) жорий этилган бўлиб, ижтимоий тармоқларда ҳар ҳафта эълон қилиб борилмоқда.

Миллий статистика қўмитасининг 2025 йил 24 июндаги 63-сон буйруғи билан ходимларнинг ташаббуси билан коррупциявий омилларга нисбатан муросасиз муносабатини билдириб, раҳбарият номига билдиришнома билан ёки оғзаки равишда мурожаат қилганлиги юзасидан рағбатлантириш регламенти тасдиқланди. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида

Қўмитанинг маъмурий биносидаги “Намунали ходимлар ҳурмат тахтаси”га 22 та ташаббускор ходимларнинг фотосурати жойлаштирилди.

Статистика органлари тизимида ходимларнинг иш фаолияти билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш ва дуч келган коррупциявий омиллар юзасидан шахсини сир тутган ҳолда хабар беришни йўлга қўйиш мақсадида барча ҳудудий статистика бошқармалари маъмурий биносида мурожаатлар учун “Адолат қутиси” жорий этилиб, ҳар 15 кунда далолатнома асосида текширилиши ва бу бўйича Миллий статистика қўмитасига доимий равишда маълумот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 2 чораги давомида 100 га яқин ходимлар умумий малака ўқув курсларида қатнашишди, ушбу курслар давомида коррупцияга қарши муросасиз кўникмаларини шакллантириш мақсадида ишга янги қабул қилинган ходимларга коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини ошириш йўналишида дарслар ташкил этилди. Ушбу ўқув машғулоти давомида ходимларни коррупциявий ҳолатларга нисбатан муросасиз кўникмаларни шакллантиришга қаратилган 200 дан ортиқ баннер, флаер, буклет, плакат ва бошқа кўргазмали материаллар тарқатилди.

Қўмитанинг ҳар бир раҳбар ва ходимлари соҳада коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва унга чек қўйиш учун ўзларини доимо масъул эканликларини англаб етишлари лозим. Шу фурсатдан фойдаланиб, статистика органлари ходимлари ўз фаолиятида доимо коррупцияга қарши курашиш тамойилларига риоя қилишга, барча ходимларни меҳнат фаолиятида коррупцион ҳолатларга дуч келган тақдирда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишга чорлаб қоламан.

Шунингдек, статистика ҳисоботларини топширувчи корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектлари статистика органлари билан муносабатларда коррупцион ҳолатларга дуч келганингизда Миллий статистика қўмитасининг алоқа каналлари орқали хабар беришга ундаб қоламан. Шахсингиз сир тугилиши қафолатланади.

Ҳурмат билан,

Миллий статистика қўмитаси раиси



Б.С. Ҳамраев